

«ESKI JUYA DEHQON BOZORI» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н Идан кўчирма

2025 йил 15 апрел

Соат 14-30

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Бозор майдони 28 уй.

Акциядорларнинг 2024 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Бозор майдони, 28 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2025 йил 15 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1855337 та овозга эга бўлган акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 84.33 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” Бўлим бошлиғи Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамovich қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ш.Ш.Шамансуров - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бўлим бошлиғи

Т.К.Камолов – жамият кузатув кенгаши аъзоси,

А.Б.Ахрорходжаев – «Эски жува деҳқон бозори» АЖ директори в.б

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра.

Йиғилишга «Эски жува деҳқон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Ш.Шамансуров раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
4. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш;
5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
7. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш;
8. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
9. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш;
10. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
11. Жамиятнинг 2025 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;
12. Жамият Устав фондини камайтириш.
13. Жамиятни уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

Кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича мажлис раиси тушунтириш бериб йиғилиш санок ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайланишини таклиф этди:

Муталова Зухра Рустамджановна, Азизова Зулхимор Пайзуллаевна, Маҳкамов Азиз Аваз ўғли

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёқлаган-1855337-100 %, қарши- 0-0%, 0-0,0%.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича мажлис раиси тушунтириш бериб, йиғилиш регламентини қуйидагича таклиф этди:

1. Биринчи масала юзасидан- 3 мин	8. Саккизинчи масала юзасидан-5 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 5 мин	9. Тўққизинчи масала юзасидан- 5 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 10 мин	10. Ўнинчи масала юзасидан- 5 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	11. Ўн биринчи масала юзасидан- 5 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	12. Ўн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
6. Олтинчи масала юзасидан- 10 мин	13. Ўн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
7. Еттинчи масала юзасидан- 10 мин	14. Ўн иккинчи масала юзасидан- 5 мин

Ушбу масалага овоз бериш натижалари:

Ёқлаган-1855337-100 %, қарши- 0-0%, 0000-0,0%.

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР
АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Йиғилиш санок комиссияси аъзолари 3 кишидан иборат қилиб қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Муталова Зухра Рустамджановна, Азизова Зулхимор Пайзуллаевна, Махкамов Азиз Аваз ўғли. (Ёқлаган 1855337-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

2. Кун тартибидаги асосий масалаларга 10 минутгача, қолган масалаларга 5 минутгача вақт берилиши, сўзга чиқувчиларга ҳар бир масаладан сўнг сўзга чиқиш ва уларнинг ҳар бирига 3 минутгача вақт ажратилиши таклифи тасдиқлансин(Ёқлаган 1855337-100%, қарши 0-0%, бетараф 0-0%).

3. «Эски жува деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 1855337–100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0–0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

6.1. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 2160767.0 минг сўм миқдорида олинган соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

- Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланганини ҳақида белгилаб қўйилганлиги боис, 2024 йил якунлари бўйича олинган соф фойда қуйидаги кўринишда тақсимлансин:

- Соф фойданинг 50 % қисми, яъни 1080383.5 минг.сўмни дивидендга ажратилсин.

Шунда ҳар бир дона акцияга ҳисобланадиган дивиденд :

$1080383500 : 2200000 = 491 \text{ сўм } 083 \text{ тийинни ташкил этади.}$

- Соф фойдани 5% қисмини яъни, 108038.35 минг сўмни жамиятнинг захира жамғармасига ажратилсин;

- қолган 45 % қисмини , яъни 972345.15 минг сўм соф фойдани жамиятнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қолдирилсин.

- Дивидендлар тўланишининг бошланиш санаси: 15 апрел 2025 йил;

- Дивидендлар тўланишининг тугаш санаси: 15 июн 2025 йил.

(Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7. Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

8. Жамият директори Абдураимов Илхомжон Фуркатович билан 2025 йил 04 апрел куни унинг аризасига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги инобатга олинсин. (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйдагилар сайлансин:

9.1. Раззоқов Аҳад Анварович	1855337 та овоз,
9.2. Арифов Равшан Абдуллаевич	1855337 та овоз
9.3. Расулов Камолитдин Райимберди ўғли	1855337 та овоз
9.4. Каримов Сардор Юлдашбаевич	1855337 та овоз
9.5. Алимов Иномжон Саитқулович	1855337та овоз
9.6. Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамович	1855337та овоз
9.7. Қосимов Миршоҳрух	1855337та овоз
9.8. Саидов Фарход Русланович	0 та овоз
9.9. Комолов Толмас Каримович	1855337та овоз
9.10. Каримов Малик Рахимович	1855337та овоз

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «TEZKOR-MALAKA-NATIJA» МСНҲ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 10.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

12. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 20 февралдаги қарорига кўра Тошкент шаҳар хокимияти томонидан жамиятга қурилиш ишларига йўналтирилган маблағларни жамият устав фондига киритиш ишлари бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиши яқунланганидан сўнг жамият устав фондиди камайитириш масаласи кўриб чиқилсин.

(Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

13. Аввалда Тошкент шаҳар хокимияти томонидан жамиятга қурилиш ишларига йўналтирилган маблағлар ҳисобига қўшимча акциялар чиқариш жараёни, яъни «Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор» ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари охирига етказилгандан сўнг, жамият Уставига ўзгартиришлар киритиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлари кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин. (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

14. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 1855337– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

14.1. Жамият директори в.б. Ахрорходжаев А.Б.га Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, ташкилий тузилмага киритилган ўзгартиришларни қонун доирасида расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: «23» апрел 2025 йил.

Йиғилиш раиси

Баённи олиб борди

Ш.Шамансуров

Г.Ибрагимова